



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 21 март, сешанба №41 (873)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



БАЙРАМ ИНШООТЛАРИ БИЛАН ТАНИШУВ



Ўлкамизда фасллар келинчаги баҳорнинг тароватли кунлари бошланди. Бу давр халқимиз учун улуг айём - Наврўзи олам нишонлини билан ҳам ахамиятли. Уй-ғаниш ва яратувчанлик, эзгулик ва муҳаббат байрамига мамлакатимиз ахли ўзгача ҳозирлик кўради. Байрам арафасида янги-янги


ассоциацияси илмий-тадқиқот маркази биноси лойиҳаси билан танишиб, уни шахар меъморий кўринишига мослаштириш юзасидан ўз таклифларини айтди.

Байрам иншоотларидан яна бири - «Хобас-ТАПО» Ўзбекистон-Швейцария-Германия қўшма корхонасидир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси базасида Швейцариянинг «Хобас РорэҒмбх» фирмаси билан ҳамкорликда барпо этилган бу корхона мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур нометалл кувурлар тайёрлашга ихтисослашган. Унинг умумий қиймати 106,5 миллион немис маркаси микдорда бўлиб, Германиянинг

Ўшамдаги маҳсулот турларини кўпайтириш лозимлигига эътиборни қаратди. Ислол Каримов германиялик шериклар билан бу борадаги ҳамкорлик янада кенгайтиришга умид билдирди.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурдаги Шайхонтоҳур академик лицейини бориб кўрди.

Замонавий ўқув воситалари, компьютерлар билан жиҳозланган, маърузалар хонаси, мажлислар зали, катта спорт зали ҳамда майдончалар, шинам ошхонага эга бу лицейда жорий йўқув йилида 275 ўқувчи тахсил олмақда. Улар иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар фанлар ва хоржий филология йўналишлари бўйича пухта билим оладилар.



Президент Ислол Каримов ўқувчилар билан суҳбатлашар экан, истиқлол туғайли яратилган бундай имкониятларнинг қадрига етиш, дунёга доверуги таралган аждодларга мос фарзандлар бўлиш учун улар аввало муҳтақиллик моҳиятини англаши даркорлигини ўқтирди. Бунинг учун эса ёшларда етарли билим ва онг шакллантирилиши лозим. Ҳар қайсимиз Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим деб яшашига ўрганишимиз лозим, деди Юртбошимиз.

Тез орада уларни ҳам республикамиз корхоналарида тайёрлашни ўзлаштириш режалаштирилган. Лойиҳа куввати йилига 970 километрга кувур ишлаб чиқариш бўлган корхона маҳсулоти сув ва каналлация тармоқларида қўлланилиб, металл кувурларга нисбатан арзонлиги ва чидамлилиги билан ажралиб туради.

Шу куннинг қаҳрамонлари

Урганч шаҳридаги «Феруз-Хоразм» ҳиссадорлик жамиятида ишчилар учун қудай шароитлар яратилганлиги, ижтимоий муҳофаза яхши йўлга қўйилганлигига ҳавас қилса арзийди. Корхона биносига кирган киши чиндан ҳам бу ерда саранжом-сарийшталик, озодликни ҳис қилади. Касаба уюшма кўмитасининг деворий кўргазмасидан илгор ишчиларнинг суратлари, турли хил ахборотлар, кўрсаткичлар жой олган.

БАХТИНГ БОР ДЕБ, ЭСАДИ ЕЛЛАР!

— Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида, — деди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Шукуржон Машарипов, — воҳада донғи кетган тикувчилик фабрикамиз инқирозга юз тутди. Ойлаб ҳақ олмаган ишчилар фабрикани ташлаб кета бошладилар. Пировардида минг кишилик жамоадан юзга яқини қолди. 1994 йил тикувчилик фабрикаси ҳиссадорлик жамиятига айлантилганга, аҳвол янада ёмналашди. Жамият деярли банкрот ҳолатига тушиб қолди.

Хиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси ва жамоа илгари бош муҳандис лавозимида ишлаб келган Клара Жумаротовага ишонч билдириб, уни ҳиссадорлик жамиятига раис қилиб сайладилар. Лекин, қоқоқлик ботқоқига ботиб қолган корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ўзи бўлмади. Шунинг учун ҳар бир ишда жамоа аъзолари кучига, касаба уюшмалари кўмитасига таяниб иш олиб борилади. Натijaда, 1998 йил иш тўлалигича ўз изига тушиб олди. Жамоа биринчи марта йилни фойда билан якунлади. Жамият қарларидан тўла қўтилиб, ҳиссадорлар ҳар юз сўмига 12,6 сўмдан дивидент ҳам олдилар. Корхонада жамоа шартномаларининг тўлатўқис бажарилиши таъминланаётди. Масалан, касаба уюшма кўмитаси ўтган йили маъмурият билан 3 миллион сўмлик ишларни амалга ошириш бўйича шартнома тўзди ва унинг бажарилишини назоратга олди. Корхонанинг 5 миллион 139 минг сўм маблағи ишчи-хизматчилар, фахрийлар, ногирон, боқувчисини йўқотганларни ижтимоий муҳофаза қилишга сарфланди.

Айни кунларда бу ерда 350 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил қилди. Шунинг учун ўтган йили Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёлларга 80 минг сўмлик совға-саломлар берилди. Миллий кадр ятимиз акс эттирилган Наврўз байрамида кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларга 235 минг сўмлик овқат-овқат ва кийим-кечаклардан ёрдам кўрсатилди.



Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Авал, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон банклар ассоциациясига қарашли Банклараро молиявий хизмат маркази биносини кўздан кечирди. Энг замонавий меъморлик услубида бунёд этилган бу омонупар бинодо дунё банк тизими талаблари даражасида хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Бу ерда молиявий ташкилотларга лицензия, сугурта, ахборот, ҳуқуқ хизмати кўрсатилади, республикамизнинг траст, инвестиция, пластик карт тизимини жорий қилиш, рейтинг компаниялари, омонат ҳимояси жамғармаси, банклараро

ўқув-ахборот маркази фаолият кўрсатади. Шунингдек, марказда турли халқаро молиявий тузилмалар, фирма ва компаниялар иш олиб бориши учун барча шароит мавжуд. Барча офислар замонавий техник ускуналар, компьютерлар билан жиҳозланган бўлиб, халқаро биржа ва молиявий ахборот тармоқларига уланган. Музоқаралар ўтказиш учун махсус хоналар, конференц-зал, иккита ресторан, матбуот маркази мавжуд.

Ислол Каримов бино атрофини кўкаламзорлаштириш, фаввороларни миллий руҳдаги шаклга солиш ва шу билан пойтахт чиройига чирой қўиши кераклигини ўқтирди. Юртбошимиз хоналарнинг жиҳозланиши ва ходимларнинг жойлаштирилишидан мамнуният билдириб, бундай тартибни бошқа давлат идораларида ҳам жорий қилиш лозимлигини айтди. Хизмат хоналари билан бирга бу ерда одамлар хордиқ чиқарадиган махсус хона ҳам бўлиши зарур. Умуман, бундай марказлар Тошкентни минтақанинг молиявий пойтахtiga айлантатириш учун хизмат қилиши билан муҳимдир.

Шу ернинг ўзига давлатимиз раҳбари Банклар

шимиз бундай маҳсулотга нафақат бизда, балки қўшни давлатларда ҳам эҳтиёж катта эканлигини таъкидлади. Чунки, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, сугориш тизимини такомиллаштириш республикамиз учун муҳим масаладир. Шу билан бирга давлатимиз раҳбари ишлаб чиқаришни тўлиқ маҳаллийлаштириш, республикамиз халқ хўжалиги эҳтиёлари учун айниқса зарур

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Давр пухта ва ҳар томонлама изланишни, ишга янги ҳаёлатни, ташаббус билан меҳнат қилишни талаб этмоқда. Қилинган ишларни сарҳисоб қилиш, улар юзасидан зарур хулосалар чиқариш, ечимини кўтаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, келгусидаги режаларни пухта белгилаш, дўстона, ижодий муҳитга асосланган иш услубини шакллантириш муваффақият гаровидир.

Яқинда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг ташаббуси билан тармоқ касаба уюшмалари шаҳар кўмиталари ташкилий ишлар бўлимининг муҳим ишлари иштирокидаги даврда суҳбатда ана шулар ҳақида гап борди. Ушбу тadbирни пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири Ф.Зунунов кириш сўзи билан очиб, ўтган йили амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил тўхтади. Кун тартибидоги: «Статистик ҳисобот ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида», «Фуқароларнинг ёзма muroжаатлари таҳлили тўғрисида», «Қундалик матбуотда тармоқ касаба уюшма шаҳар кўмиталарининг иштироки ҳақида», «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталарига 1999 йилги обунанинг якунлари ва 2000 йилнинг 1 чорагида обунанинг бориши тўғрисида», «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари уюшмалараро III конференциясида делегатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳақида», «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг аълочи ва жамоатчи талабаларидан 10 нафарига 2000 йилда бераётган стипендияси тўғрисида»га ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Сўзга чиққан нотиклар ижрочилик интизомига қатъий амал қилиш, иш услубини такомиллаштириш, тажрибани бойитиб бориш лозимлигига давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътиборини қаратдилар.

Тadbир қатнашчилари ўзларни қизиқтирган, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Эркин, ўзaro фикр алмашувдан сўнг, келгусидаги вазифалар аниқ белгилаб олинди.

Улугбек ПўЛАТОВ.

СИЗГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Беларус Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси муваққат ишлари бўйича маслаҳатчи - вакили жаноб Александро Васильевич Коссов биз билан суҳбатда шундай деди:

«Наврўз», айниқса, Ўзбекистонда жуда кенг, юқори савияда ўтадиган умумхалқ байрами экан. Мен Тошкентда ўттиз йил яшаб, турли лавозимларда ишлаб, халқингиз билан қадрдон бўлиб кетганман. Мана, саккиз йилдан бери Беларус элчихонасида фаолият кўрсатиб келаяпман. Ҳар йили Миллий боғ олдида умумхалқ сайли ўтказиладиган «Наврўз» бай-

рамида иштирок қиламан. «Наврўз» байрами шуну кўрсатадики, ўзбек халқининг қадимки аждодлари бундан минг йил илгари кеча ва кундузни айна шу - 21 март куни баробар бўлишларини астрономик жиҳатдан аниқ билганлар. Бу барчани лол қолдиради.

Байрам барча маҳалла, жамоа хўжалиқларида, оилаларда ҳам кенг миқёсда нишонланади. Шу кунни бутун халқ мириқиб дам олиб, хордиқ чиқариб, янги иш режаларини амалга оширишга киришадилар. Деҳқонлар ҳам ўз ишларини бошлаб юборадилар. Бир сўз билан айтганда, «Наврўз» диллар сурурига айланади.

Бу улкан «Наврўз» халқ байрами билан барча ўзбекистонликларни қизгин табриқлайман. Мамлакатингиз ишларига ривож тилайман.

Суҳбатдош:
Илҳом ШЕРМУҲАММАД.



Меҳнат фахрийси, мирос Хизирли Тиллаев Олтинсой туманидаги «Ширин» жамоа хўжалигига қарашли Обшир қишлоғида истикомат қилади. Бу отахонни ҳамқишлоқлари тажрибали деҳқон сифатида ҳурмат қиладилар. Шунинг учун ундан кўпчилик маслаҳат олади.

Отахонни бирор кун уйда бекор ўтиргани кўрмайсиз. Айниқса далада иш бошланган пайтлари унинг ҳаловати йўқолади. Яхшиям укаси Абдураимнинг боғи бор. Хозир кўп вақтини у шу ерда ўтказиши. Меваларга шакл беради янгидан дарахлар ўтказиши.

Суратда: Хизирли ота боғда.



ЎЗ ЕРИНГДА ИШЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ

Ха, Кўмқўргон туманидаги Сафар Бойматов номи хиссадорлик жамияти деҳқонлари билан суҳбатлашгани ўлар ана шундай дейишади. Чунки бу ерда иш оилавий эвено суулида ташкил этилган бўлиб мавжуд экинзор ва боғлар оилавий ижарачилар иктирига берилган.

Ижарачилар хиссадорлик жамияти билан шартнома асосида иш юритадилар. Жамият деҳқонлари алпақчон ахши ният билан иш бошлаб юборишган. Бугдой парваршини аяқда, Чигит экиладиган майдонлар тахт ҳолга келтирилмоқда. Боғларда шакл бериш, сугориш ишлари олиб боришмоқда.

Суратда: Ўз тасарруфидоги тоқзорлардан мўл ҳосил олишни ният қилиб қўйган ижарачилар Саидмурод Узоқов ва Мурод Раҳмоновлар.

Муस्ताқиллик боғида

Етмиш нафар болакайларнинг суннат тўйи ўтказилди

Мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланган Муборак газни қайта ишлаш заводимизда иш икки сме-нада ташкил этилган. Ўн бешдан ортик цех ва блокларда 2000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи фидокорона меҳнат қилмоқда.

Мустанқиллик йилларида жамоамиз ёш, иқтидорли мутахассислар билан мустанқамланди, янги цехлар қад ростлади. Кўп нарса қайфиятга боғлиқ. Буни яхши англаган маъмурият, касабаси уюшма кўмитаси меҳнат муносиби баҳолаш, ижтимоий ҳимояни қўлайтириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилади. Бу кутилган натижаларни берапти.

Атрофи дов-дарактлар билан ўралган асфалт йўлдан салобатли бинолар томон борар экансиз, пештоқига «Мустанқиллик боғи» деб ёзилган бежирим дарвоза эътиборингизни тортади. Юз гектар майдонни эгаллаган мақсуд қорғидаги мевали дарактлар ҳадемай ҳосил бера бошлайди. Калифорния терактларини айтмайсизми? Жозибаси ўзгача. «Зангори олов» чойхонаси эса ҳаммаси гавҳам. Айниқса, байрам кунларида бу ерда қизқарли учрашувлар, кечалар ўтказилмоқда. Ёшлар-

нинг мураббийлар билан савол-жавоблари Наврўзи оламнинг қадрига етиш, аънаналаримизни улуғлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Биз хотин-қизлар ҳақида, уларнинг саломатлиги ҳақида алоҳида қайғураемиз. Сўнги ўн икки ой мобайнида ана шу мақсад учун 1 миллион 348 минг сўм сарфланди. Кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига иқтисодий мадад кўрсатиш учун 60-80 минг сўм ажратилди. Кўп болани, боқувчисини йўқотган 71 нафар аёлга эса 200 минг сўм улашилди.

Хайрли тадбирлар фаолиятимиз мазмунига айланган. Масалан, Қамаш туманидаги меҳрибонлик, Яқкабоғдаги қариялар уйлари оилалиқ олганмиш. Вақти-вақти билан ана шу гўшаларда бўлиб, савобли ишларга қўл уряемиз.

Соғлом авлод йилида маъмурият ва касабаси уюшма кўмитаси раиси.

ри Қобил Мўминов, меҳаник Баҳром Жумаев, бўлинма бошлиғи Фарид Аминов, тажрибали ишчи Суён Хушвақтовларни алоҳида ажратиб кўрсатгим келади. Улар ўнлаб иқтидорли шогирдлар тайёрлашган.

Шу кунларда корхонада ажиб бир руҳ кезмоқда. Шу ерда ўз кўз йиллар меҳнат қилган, ҳозирда қарилқашгани сураётган фахрийларни тадбирларимизга таклиф этиб, кўнгилларини овляемиз. Ўзимизга қарашли иссиқхонада етиштирилган помидор, лимон, бодринг ва бошқа неъматлардан уларни баҳраманд этаямиз. Мустанқилликни, Наврўзи оламни, гўзал Ватанимизни улуғловчи куй-қўшиқлар янграмоқда.

Кунни кеча ажойиб бир тадбир бўлиб ўтди. Кам таъминланган оилаларнинг етмиш нафар ўғилларини суннат тўйлари ўтказилди. Тўйболаларга ажойиб тўнлар, совғалар улашилди, ҳар бирларига махсус омонат дафтаре оchildи.

Меҳмонқул НУРМУРОДОВ, Муборак газни қайта ишлаш корхонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси.

Мамлакатимизда ноғиронларнинг давлат томонидан ҳимояла-нишни қўлайтириш, уларни ҳимоятнинг тўлақонли аъзолига ай-лантириш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилкоқда.

Яқинда Хоразм вилояти ҳокимлиги ноғиронлар жаҳияти билан ҳамкорликда Урганчдаги «Нағзис» кафедада бир пивла чой ташкил этди. Бежирим бе-затилган дастурхона Наврўз та-омлари, шуниндек, ош тортил-ди.

НОГИРОНЛАРГА СОВГА-САЛОМЛАР

Шундан кейин уларни вилоят ноғиронлари жаҳияти раисаси Гаваҳрон Шаропова ҳамда вилоят ҳокими ўринбосари Ботир Раҳимовлар Наврўз байрами билан қизгин табриклядилар. Беш нафар ноғиронга ноғиронлик аравачасини тортиқ қилинди. Чойга таклиф этилганларнинг ҳар бирига минг сўмдан пул ва чойнак-пивалар тақдим этилди.
Эркин ЭРМАТОВ.



ҚИЗИРИҚ СУРУРИ

Наврўз — халқимизнинг неча минг йил-лардан бери ардоқлаб келинаётган қўнғул байрамидир. Бу байрам қалбимиздан шу қадар чуқур жой эгаллаганики, уни таъриф этишга тил ожиз. Шўролар даврида бу аъна-ана оёқ ости қилинди. Ушанда бизлар мак-табга қатнар эдик. 21 март йилнома кален-дариде қизил ҳарфлар билан ёзилмаган бўлса-да, барча синфдошларимиз билан Нав-рўзини нишонлаш учун адирларга чиқардик. Хуллас, Наврўзи зўр шодиёна билан ўтқа-зардик. Эртаси кун эса қадрдон мактаби-мизда азиз ўқитувчиларимиздан дашнอม эшитардик...

Бевад шўқрлар бўлсинки, юртимиз му-стақиллиги боис қадриятларимиз тикланди. Тобора сурури нафаси сезилаётган байрам айни кунларда Суруҳ дийридаги барча ма-халларда, меҳнат жамоаларида, ўқув-тар-бия муассасаларида қизгин арафа руҳини қарор топтиради. Жумладан, Қизирик ту-манида ҳам Наврўзини нишонлашга пухта тай-ёрлик қўрилди. Туман ҳокимлиги вақил-

лари ва касабаси уюшма фаоллари улўғ айём арафасида оламдан ўтганларни эслаб, қари-лик гаптини сураётганлар аҳолини сўраб, хонадонларда бўлмоқда.

Айни кунларда маҳаллаларда сайллар уюштирилмоқда. Утаётган тадбирларда «На-мунали оила», «Маҳалланинг мохир чеvarи», «Пазанда», «Иболи-хаёли қизлар», «Онахон-отахонларнинг ибратли ҳаётлари ҳақида», «Кўшиқлар танлови», «Шеъронлик» бўйича кўрик-танловлар ташкил этилган. Фолиблар эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирлан-моқда.

Байрам кунни туман марказида «Наврўз» байрами шодиёналари ўтказилиб, «Алпомиш» ўйингоҳида эса полвонлар кураши, халқ ўйинлари ташкил этилади.
«Дўстлик» истироҳат боғи йўлаклариде бир ҳафта мобайнида қишлоқ ҳўжалик мах-сулотлари савдо ярмаркаси хизмат кўрсата-ди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири.

Фахр

Ўзбекистон Мил-лий боғида сайр қилдик. Бу ерда ба-ҳор нафаси ўзгача жилвалари билан намоён бўлганлиги-ни кўрдик. Мустан-қиллик ўзлигимизни қайтариб берганли-гига шўқроналар ай-тдик.

ЮРТИМ ЧИРОЙИ

— Наврўз - умум-халқ байрамини ўтқа-зишда алоҳида дасту-р ишлаб чиқдик, - дейди Навоий вило-яти маданият ишла-ри бошқармаси бош-лиғи Саттор Гаффо-ров. - Воҳамиз олтин конлари, Қарман та-рихи ҳақида ҳикоя қилувчи куй-қўшиқлар орқали юртимизни мадҳ этдик. Саҳна кўринишида ҳам иж-рочилар кийим-ке-чаклари вилоятимиз табиатини ўзиде акс эттириб, халқимиз удумларини давомидан барчани воқиф этди. Бу эса маъна-вийатимиз илдишлари нечоғли қувватли эканлигини кўрсатиб турибди.

— Бу йилги баҳор шодиёналари аввал-гиларидан тубдан фарқ қилади, - суҳ-батга аралашади Жиззах вилояти ҳоки-мининг маданият иш-лари бўйича ўринбо-сари Эргаш ўринов. - Биз халқ ўйинлари-га алоҳида эътибор қаратдик. «Зебимхон» фольклор жамоаси ҳамда вилоят педаго-га билим юрти та-лабалари иштироки-да саҳнада кўйилган дастуримиз барчага манзур бўлди, деб ўйлайман.

М.МИРКОМИЛОВ, **Х.РАУПОВ,** талабалар.

Ўлкамизга фасллар келин-чаги баҳор келиши билан ҳар бир ўзбек хонадониде дошқ-озонларда беҳишт таоми — сумалак пиширилади.

Термиз тумани «Дўстлик» жамоа ҳўжалиғи Патта-Кесар маҳалласида ҳам аллақачон сумалак сайиллари бошланиб кетган.

Айтишларича, дошқозон-ларда сумалак қайнатилаётган-ида осмондан 30 та фариш-та тонгга яқин учиб келиб қозонга туз-намак ташлаб ке-тишаркан. Шунинг учун ҳам сумалак хушбўй ва бетакрор мазали бўлар экан.

Суратда: Патта-Кесар маҳалласининг табаруқ онахонлари Аннабека момо Шомуродова ва Ойсулув момо Хожиевалар кувада сумалак шарбатини олиш-моқда.

Искандар ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



Маҳалланг - отанг, онанг

Кўнғилларга меҳр улашиб

Наврўзи олам. У ҳар бир шаҳару қишлоққа, туману вилоятга, маҳаллаю хонадонларга ўзга бир ҳусну тароват, баҳорий қайфият, кўтаринки рух олиб келади. Атрофимизни кўзатиб, маҳал-лаларга назар солиб, кишиларнинг гўлгун чеҳраларига боқиб, буни яққол кўриб турасиз.

Пойтахтимизнинг Шай-хонтоҳур туманидаги Кат-та боғ маҳалласида ҳам бу йилги Наврўз шодиё-налари алоҳида тайёр-гарлик билан кўтиб олин-моқда. Маҳалла кўмита-сида Наврўз байрамга тайёргарлик ва уни кўнғилдагидек ўтказиш учун маҳалланинг фаол аъзолари, кўпни кўрган

ўтказишни мақсад қил-ганлар, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳрор Дадамухамедов. - Клубимизда Наврўз айё-мига бағишлаб қатта байрам тантаналари тай-ёрланди. Эрта тонгдан қарнай ва сурнай, ноғо-раю доира маҳалла аҳли-ни байрам ошига таклиф қилади. Барча-барчага ширин муомалаю баҳор-нинг тансиқ таомларидан кўк сомсаю чучваралар тортиқ этилади.

Кенгашли тўй тарқа-мас, дейди кексалари-миш. Бу ишларнинг бари-га маҳалла оқсоқоллари, фаоллари йиғилишиб, маслаҳатлашган ҳолда ҳар бир тадбирни кўнғил-

дагидек амалга ошириш топширилган. Айниқса, маҳаллаимиз аёлларининг саранжом-саристиғили, тадбиркорлиғи шу ерда билинади. Уларга маҳал-ла хотин-қизлар кўмита-си раисаси Разнохон опа бошчилик қилмоқда.

Наврўз меҳр-мурувват, саховат байрами ҳамдир. Шу боис улўғ айём кун-ларида кексалар ҳолидан ҳабаб олиш, кўмакчилик кишиларга ёрдам бериш, уларнинг кўнғилларини кўтаришга ҳам қатта аҳамият берилмоқда.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, **Сурайё АГЛАЕВА,** «Ишонч» муҳбирлари.

Пири бадавлатларимиз

Шофирқондаги БОҒ-ҲОВЛИ

Ҳаёт қатта муаллим экан. Оқни оққа, қорни қорага аж-ратишда унга етдиган донишманд йўқ экан. Нуруний ёшимда шундай хулосага келдикки, халқ яратган удумларни, қадриятларни ҳеч ким, ҳеч қачон тортиб ололмас экан. Негаки, у хал-қнинг қони ва жониде йўғрилган бўларкан. Назаримда Оллох уни буюк ва суюқ қилиб яратган одам-зодга меҳрни, саховатни, яшаш, яшаришни, покля-нишни ўргатиш учун инъом этган.

Эҳ, бу бош нималарни кўрмади дейсиз. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Турткичи қизим Кубарохон кўлимда эмизик-ли. Яширинча сумалак пиши-раяман. Ошхонанинг эши-гини беркитиб олганман би-ров ҳабаб бермасан деб.

Бир вақт қаерданбир брига-дир пайдо бўлиб қолди. Нега далага чиқмадинг, ёт усур-нинг қизи, дея қамчи билан елкамга бир учди. Қамчин-нинг бир учи гўдақинидага тегиб чинкириб йиғлади. Уни овуғтунимча қозонда қайна-ётган сумалакни ерга тўкиб юборди. (Уша даврларда су-малак ҳам эскилик саркити сифатида тақиклаб қўйилган эди...) Болаларини ризқи ери билан битта бўлди. Ишо-насимиз, йўқми, шу одамни сумалакнинг уволи тудди... Дарди бедавога учради.

Наврўз тақикланса-да, та-бият ҳар баҳорда яшнаб-яшариб, тозаланиб инсонга пeshвоз чиқди. Наврўз чечак-ларидан, хуш насимларидан инсонлар кўнғил яйраб по-кланаверди. Қўзалар баҳор-да яшнади, диллар Наврўз гўзаллигини вужудга байрам

қилди. Шунинг учун ҳам одамзоддан ҳар нарсани тортиб олиш мумкин, лекин кўнғилдагини, қонга сингган қадрият, урф-одатларни тор-тиб олиб бўлмайди. Наврўз ҳам муқаддас замин тарова-ти, она алласи билан жиши жонимизга сингган поклик рамзи эди.

Халқ душмани сифатида оти-либ, бедарак кетган қарин-дошларим ёдимга тушади. Ўқиниб кетаман. Фарзанд-ларимга улўғ учун ҳам яшаш, ишашларни зарурлигини тай-инлайман. Фарзандларим қанот бўлиб умидларимга чи-роқ ёқди. Саккиз фарзандим олий маъмулотли, эл назари-даги одамлар. Сидки, Ойша, Руқия қизим ўқитувчиликдан нафақага чиқишди, бугун ҳар бири бир етак неварали - буви, Курбар, Робия қизим врач, Хурсандий қизимнинг саккиз фарзанди бор, Муқим-жоним фермер, ижара ери, обрў-эйтибори бор. Кенжа-тойим Юнусжон Муборак ҳаж зиёратини ўтаб ҳожи бўлди. Онахон сўзлайверди, ти-лида шўқрона, дилда шўқ-рона. Эркин алқайди, озо-дликнинг умри боқий бўлиши-ни Оллоҳдан сўрайди. Му-

наввар кунлар келганини, юртва Авл эъозлангани, Оила шарофлиғи, соғлом авлод қамолғи йўл очилга-нидан суюниб, дуога қўл очадн, ёру биродарларидан ажрალიб жароҳат олган юра-гига малхам қўяди. Хар йили бобою бобоқалонлари, би-био бибиқалонлари, шахид кетган тўққиз оға-ини руҳи-га сумалагу халмиллар пиши-риб элга улашади. Бу табар-рук онахон Бухоронинг Шо-фирқонидеги Саволик Шод-логонда яшади. Саккиз фар-занди, қозлаб неваре-чеваре-лари қатори бу муборак хо-надонга ҳар Наврўзда ҳамқ-ишқоклар йиғилишади. Наврўз сайли, тантаналари онахоннинг муборак дуола-ри ила бошланади. Дуолар-дан эл қўқаради, юрт обод бўлади. Наврўз дилларни дилларга боғлайди, унинг теграсида меҳр-саховат да-рахти бўй чўзади, тинчлик-осойишталик ҳўқумронлик қилади.

Амина КОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири.

Дўстлар қувончи

Зарафшонга кўчиб келганимизга ҳам ярим йил бўлмади. Шу вақт ичида кўплаб дўстлар орттирдик. Аксариятимиз ёш оила-лар. Чеварлигимиз эшитиб роса суюниш-ди, қўлларидан кел-ганча ёрдам беришди. Наврўз байраминда мен ҳам уларни бир хурсанд қилгим келди. Сумалак пиширишга аҳд қилдим. Ахир бу ҳосиятли таомни пи-ширишни улар ҳам билсинлар-да!

Қозонда сумалак қайнайди, болалари-миз яйраб ўйнашади. Биз тўрт-беш келин-чалар сумалак ҳақида билган ривоятлари-мизни айтаемиз, удум-ларимиздан ҳикоя қилаемиз. Дўстларимиз - бири рус, бири ук-раин, бири корейс — уларни жон қулоғи би-лан тинглашади, ҳатто яхши ният қилиб, қозонга тош ташлаб қовлашади. Сумалак-нинг пиширилишини кўриб, улар ҳам бу та-омни илоҳийлигига ишонишади. Сумалак сайли кун бўйи давом этади. Кечга бориб қозонни беркитаемиз.

Наврўз тонгиде су-малак сузиб, дўстлар-га тарқатишнинг ўз гапти бор. Сумалакни мен онамдан, онам эса оналари Барно биби-дан ўрганганлар. Раҳ-матли биби сумалак пишираётганларида биз невараларига шундай наҳишат қилар-дилар: «Сумалак бе-ҳиштдан чиққан таом. Уни пишириб одам-ларга улашганлар ҳам беҳишти ҳисоблана-ди».

Бибижоним айтган-ларидек, баҳор элчи-си сумалакни дўстлар-га улашаман, унга қўшиб меҳримини. Ҳа, Наврўз элларни эллар-га яқинлаштиради, де-ганлари рост экан. Су-малак сайли туфайли қанча дўст орттирдим. Ахир дўсти кўп киши мустанқам қоя-да.

Зулфия КАНДОВА, Зарафшон шахри.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси тармоқ ходимларини



БИЛАН МУБОРАЖБОД ЭТАДИ

Ўзбекистон кичик,
ўрта ва хусусий
тадбиркорлик
ходимлари
касаба уюшмаси
Марказий Кенгаши
соҳа кишиларига
соғлиқ-саломатлик,
бахт-саодат
тилайди!

Тошкент вилояти
ёқилғи-энергетика,
геология ва кимё
саноати ходимлари
касаба уюшмаси
қўмитаси Ўзбекистон
халқини улуғ байрам
билан қутлайди!



БИЗЛАР УЧУН ЭНГ АРДОҚЛИ

Тарихи бой, кўп аймоқли Наврўз келди ўлкамга, Гўзал, ранг-баранг бўёқли Наврўз келди ўлкамга.

Далаларга чирой бериб, қувонтириб кўзларни, Зўр ясениб, дур балдоқли Наврўз келди ўлкамга.

Узайтириб кунимизни, экинларни яшнатиб, Кулиб қараб нур тароқли Наврўз келди ўлкамга.

Ўтга тўйди молларимиз, кўзилади кўй эгиз, Товоқ тўла сут, қаймоқли Наврўз келди ўлкамга.

Ўйин-кулги авжга чиқди шаҳар, қишлоқда, Тўра, Бизлар учун энг ардоқли Наврўз келди ўлкамга.

Тўра ЖУМАН.



Сурхондарё вилояти Бойсун туман ҳокимлигининг маданият ишлари бўлими қoшида ташкил этилган «Бойсун» халқ фольклор этнографик гуруҳини нафақат мамлакатимизда, балки Англия, Пoлша, Франция, Туркия, Афғонистон, Россия, Қозғистон каби мамлакатларда ҳам яхши билишди.

Дафта ижросидаги кўй ва қўшиқлар Бойсун тоғлари янглиғ беғубор. Унинг ҳар бир чиқиши ўзига хос мазмунга эга. Шунинг учун бойсунлик хаваскорларнинг муҳлислари ортиб бормоқда.

Суратда: «Бойсун» фольклор этнографик дастаси қатнашчилари Сайёра Қосимова ва Жума Сайфиёв.

Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

КУН ҲАМАЛГА КИРДИ...

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйю сочи, Тун-кун тенг экан зоҳир ўлар бўлди, чу Наврўз.

Алишер НАВОЙИ

Қилса васлинг шомини субҳа баробар йўқ ажаб, Расмдур фасли баҳор ўлмоқ баробар рўзу шаб.

ҲУЗУЛИЙ.

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам Наврўзи, Кечти баҳман зам ҳарир қиш қолмади қори, бузи.

Насриддин РАБҒЎЗИЙ

Баланд айлаб кўшга поя Наврўз, Кўтарди ер юзидан соя Наврўз. Келиб файзу нишоту айш бирла, Муҳайё қилди элга воя Наврўз.

ОҒАҲИЙ.

Қадри гулни булбули шайдо билур ҳар навбахор, На билур зоғу загон гул бирла бўстон қадрини.

ҲУВАЙДО.

Келди ажойиб, чиройли баҳор, Қанча гўзаллик десанг унда бор. Ажабмас қари бунда яшарса, Жаҳон ўзича топмиш ёш нигор.

Абу Абдулла РУДАКИЙ.

Кўкарди чаман, гулизорим қани? Сиҳи сарв буйлук нигорим қани? Топибдур бу кун васли гул андалиб, Дарига, менинг навбахорим қани?

ЛУТҒИЙ.

Фасли навбахор ўлди, кетибон зимистонлар, Дўстлар ганиматдур, сайр этинг гулистонлар. Субҳидам туншуб шабнам бўлди сабзалар хуррам, Гул уза томиб кам-кам ёғди абри найсонлар.

Зокиржон ҲАҚРАТ

Навбахор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар, Суҳбат айлайлик келинлар, жүралар, ўртоқлар.

МУҚИМИЙ.

Жамшидга сочишар олтин у гавҳар Шу кун янги йил — байрам дейишар. Йил бош Хуржузу эди Фарвардин Дилда на гам қолди, на адоват-кин. Улуғлар шодликда базм қурдилар, Лабларин чолғуга, майга бурдилар.

ФИРДАВСИЙ.

Қўқам келса қолмайди қишнинг изи, Қулф урар қўқамзор ернинг юзи. Жон кирди борлиққа, табиатга, Она янглиғ жилмаяр куннинг кўзи.

АБАЙ.

Саломатлик неъматлари СУМАЛАК

Сумалак, ҳалим пишибди, Косаларга тушибди. Дўстлар келиб ейишар Ўз йил умр кўришар.

Баҳор... Бу фаслда ер юзидаги барча мавжудот, бутун бориққ уйғонади, янгиланади. Шу билан бирга баҳор ҳавоси инсон организмнинг барча тизимларига — юрак-қон томир, асаб, ошқозон-ичак, жигар, буйрак, таъ-яч-ҳаракат бўғимлари ва бошқа аъзоларга ўз таъсирини ўтказади. Чунки, инсон организмни қишдан баҳорга кўчириш, турли дармондорилар, минерал моддалар ва микроэлементларга муҳтож бўлиб чиқади. Улар етишмаслиги оқибатида кишида дармонсизлик, ҳорғинлик, силлангирчилик, камқувватлик, бош оғриши ва айланмиш сезилади. Бу аломатлар организмнинг соф дармондорилар ва бошқа минерал моддаларга муҳтожлиги белгисидир. Чунки, улар организмни бардам ва бақувват қилувчи табиий дорулардир.



Шарқ тиббиётининг отаси Абу Али ибн Сино баҳор — инсон умрининг шифобахш фасли, деб бeжиз айтмаган. Кексалар: «қўқам илқизиқли» маҳал, ер одамнинг қувватини олади», дейишди. Шу боис, танадаги модда алмасишувини кунайтириш, куч-қувватини ошириш учун баҳор кўзлари қалорияга бой таомларни кўпроқ истеъмол қилиш лозим. Хусусан, қадимдан тайёрланиб келинган кўк ўтлар (исмалоқ, ялпиз, жағ-жағ, беда, кийикўт, отқулоқ, гулқоқ ва бошқалардан тайёрланадиган таомлардан, кўкпатлар, кўк сомса, кўк чучвара, кўк манти ва бошқалар, сумалак ва ҳалим каби малҳам таомлар инсонларга куч-қувват ва танисоғлиқ бағишлайди.

Сумалак — баҳорнинг дармондорига бой, ҳаётбахш, таябарқ таомидур. У кунимизни тозалаб, жисмин тетиқлаштирилади, саломатлигини тиклайди. Сумалакни бундан тахминан 3 минг йил илгари Урта Осиё аҳолиси эъзозлаб баҳорни кутиб олиш, қишлоқ ҳўжалиқ ишларини бошлаш арасида тайёрланганлар. Юқори биологик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар —

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Бир қошона сирлари» асари сахналаштирилди. Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизов режиссёрлик қилган

ТЕАТРДА - ПРЕМЬЕРА

мазкур спектаклда енгилтақлик, нопоклик орқали орттирилган бойлик фожеага олиб келиши ёрқин мисоллар орқали ифодаланган.

Асардаги асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Толиб Каримов, Эркин Қомилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Юнусова ижро этмоқда.

НАРГИЗ ГУЛИМ

Баҳорий туйғулар жунбушга келимиш, Чертилмиш соғинчга ошмишан ҳар дил. Муҳаббат ардоғи - бир туپ нарғиз гул Ҳовлимга эккандим, қийғос очилмиш.

Беғубор тилақлар жиљванси сезиб, Рангин ифтор тарат, умидим кутлуг. Йўларимни беъза навбахор янглиғ, Ойдин орзуларим қиймасин эзиб...

КУТИБ ОЛ

Хижрон азобида бўлганча бўлиб, Айтар сўзим сенга айтолмай тўлиб, Яхшим баҳорда турсам мен сўлиб, Унутган бўлсанг-да, кутиб ол қулиб. Жоним!

Нозик бир тилақман, мўъжаз юракман, Сендан ўзгасига ўзга - бўлақман. Биلىб қўй, ҳали кўп сенга керакман, Унутган бўлсанг-да, кутиб ол қулиб, Жоним!

Сен учун доимо фидодир жоним, Йўқ дема, бахш этай жону ҳақоним. Биلىб қўй, гулханга айланиб ёнғим - Унутган бўлсанг-да, кутиб ол қулиб, Жоним!

Осияхон ТОШМАТОВА, Фарғона шаҳри.

Соғлом авлод йили

1-Жиззах шаҳар поликлиникасида бугунги кунда 110 нафар киши меҳнат қилмоқда. Поликлиника деярли барча ихтисосдаги тор мутахассислар билан таъминланган. Иш маҳалла типда ташкил этилган бўлиб, шаҳардаги барча маҳалла гузарлари тиббий хизматидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Бўлимларда бир кунда 250-300 нафар бемор қабул қилинмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш учун жамоа ички имкониётлардан тўлиқ фойдаланилмоқда. Хусусан, турли операциялар, жумладан кўз микрохирургик операцияларнинг амалга ошириладигани кўпчилики мамнун этаётир. Даволанувчиларни уйдан олиб келиш ва олиб бориб қўйиш учун бепул транспорт хизмати йўлга қўйилган. Ҳар қандай касални даволашдан аввал аниқ ташхис қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Замонавий диагностика асбоблар билан жиҳозланган бўлимларда касалликни аниқлаб, ташхис қўйиш учун барча шароитлар етарли. Ёрдამчи физиотерапия бўлимлари беморларнинг дардларига тезроқ шифо топишларида кўл келмоқда. Поликлиника жамо-

аси «Соғлом авлод йили»да она ва бола саломатлигига ҳар қачонгидан эътиборни ошириш хусусида изланмоқдалар. Туғиш ёшидаги аёллар йил мобайнида режали равишда юз фоиз тиб-

лигини кўз қорачигидай асрашга барча куч ва имконият сафарбар этилаёпти. Шарбиндек, бир ерда уруш ногиронлари ва қатнашчилари, Чернобил АЭСи ҳалокати иштирокчилари ва ёлғиз қарияларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, тез-тез тиббий кўриқдан ўтказиш, керакли дори-дармон билан таъминлаш қатъий йўлга қўйилган.

—Тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати ва савияси биринчи галда шифокорлар ма-лакасига боғлиқ,—дейди поликлиника бош врачлари Алишер Якубов. — Шифокорларнинг ўз устида ишлаши, кундалик янгиликлар билан мунтазам танишиб бориши замон талабига айланди.

Абдусаттор СОДИҚОВ, Жиззах вилояти.

БОЛА КУЛСИН ЖАҲОНДА

аниқ ташхис қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Замонавий диагностика асбоблар билан жиҳозланган бўлимларда касалликни аниқлаб, ташхис қўйиш учун барча шароитлар етарли. Ёрдამчи физиотерапия бўлимлари беморларнинг дардларига тезроқ шифо топишларида кўл келмоқда. Поликлиника жамо-

Завқи ўзгача

Андижон вилоятида Наврўз байрамини ой бошиданок бошлаб юборилган эди. Меҳнат жамоалари, маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш, қўқамзорлаштириш ва унга чирой бағишлаш эзгу ниёти билан уйғунлаштирилган ҳаракатлар ҳар қандамда сезилиб турибди. Вилоят руҳий соғлиқни сақлаш марказининг кўп сонли шифокорлари ҳам ўз иш жойларини, йўлақлар, ариқ ва ҳиёболларни кенг-мўл мева-ли боғни келинчак уй-дек ясашиб олишга, биринчилардан бўлиб Наврўз байрамини ўтказдилар. Дастурхонга баҳорий сабзалардан тайёрланган 7 хил таом, 7 хил мева, 7 хил нон ва ширинликлар қўйилди. Энг яхши рақс, қўшиқ, латифа, хангома ижрочилари учун танлов эълон қилинди. Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшма вилоят қўмитасининг раиси Хотамжон Юнусалиев энг жонқуяр шифокорларга «Фахрий Ёрлик»ларни топширди. — Жамоамизда маънавий гўзаллик, юртни обод ва фаровон қўриш истаги, қасаба уюшма хисси тобора ортиб бораёпти, — дейди шифокорна қасаба уюшма қўмитасининг раиси Ёқубжон Матқаримов фахр билан, — байрамнинг завқли ва файзли ўтишига ҳар қим ўз хис-сасини қўшиди.

М.АБДУКАРИМОВ.

Кўни кеча Ўзбекистон Республикаси IX миллий чемпионати ўйинлари бошланди. Бу йилги мамлакат биринчилигида олий табақада 20 жамоа иштирок этмоқда. Чемпионат бошлангичга санокли кунлар қолганда чемпионатнинг раъзи танловига яқин ясалди. Бу танловда ҳамкасбимиз «Мулкдор» иқтисодий газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Улуғбек Юсупов чизган лойиҳа раъзи голиб деб топилди ва у IX миллий чемпионатнинг раъзи қилиб тасдиқланди.

Биринчи турда Тошкентдаги «Пахтакор» ўйингоҳида майдон эгалари «Андижон» жамоасини қабул қилдилар. Уйин ҳар икки жамоанин фазол ҳаракати билан бошланди. Дастлаб учрашувининг 15 - дақиқасида Улуғбек Асамбоев тўпни ўз дарвозасига киритиб ҳисобни очди. Меҳмонлар олдинда чикиб олдилар. 5 дақиқа ўтар-ўтмас улар қойданан бузилдилар. Жарима тўпини Азамат Абдураимов дарво-зага аниқ йўллади ва ҳисобни 1:1 га тенглаштирди. Иккинчи бўлимининг бошида меҳмонлар ҳужумга зўр бердилар ва майдон эгаларини қойда бузишга мажбур қилдилар. Белгиланган жарима тўпини Ориф Маматгазин қойилмоқчи қилиб баришриди ва ҳисобни 2:1 га ўзгартирди. Сўнгра майдон эгалари қарши ҳужумга ташландилар. Иккинчи бўлимининг 15-дақиқасида яна «Пахтакор» ҳужумчиси Азамат Абдураимов дарвозани ишғол қилишга муваффақ бўлди. Қизикarli ўтган бу


ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

урашув сўнгида меҳмонлар яна бир неча имкониятга эга бўлдилар, лекин ундан унумли фойдалана олмадилар. Кескин курашлар билан ўтган учрашув 2:2 ҳисобида дуранг билан аяқланди. Тошкентдаги иккинчи учрашувда «Трактор» жамоаси «Хоразмин» қабул қилиб, 1:0 ҳисобида галаба қозонди. Ягона тўпни Сергей Бақанов 11 метрли жаримдан киритди.

Утган йилги мамлакат чемпиони «Дўстлик» жамоаси ўз майдонида чемпионат дебютанти «Қизилкум» ни қабул қилиб, биринчи бўлимда ҳисобни очишга эришолмади. Иккинчи бўлимдагина жамоа сардори Нўрмол Хасанов ҳисобни очган бўлса, сўнги дақиқа-ларда Фарид Хабибуллин иккинчи тўпни киритишга муваффақ бўлди. Чемпион 2:0 ҳисобида голиб чиқди. «Металлург» жамоаси яна бир дебютант билан учрашиб дурангга эришди. «Металлург» «Турон» (Нукус) учрашуви 0:0 ҳисобида аяқланди.

Тошкент вилоятининг яна бир жамоаси Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари ўз майдонларида «Бухоро»ни қабул қилиб, устунликка эришдилар. Учрашувнинг сўнги дақиқаларига улар 2:1 ҳисобида олдинда эдилар. Лекин ўйиннинг охири-гача галабани сақлаб қола олмадилар. Сўнги дақиқа-да меҳмонлар битта жавоб тўпни киритиб ҳисобни 2:2 га тенглаштирилди. Худди шундай 2:2 ҳисоби «Навбахор»-«Зарафшон» учрашувида ҳам қайд этилди. «Навбахор»чи Шерзод Назаровнинг икки тўпига меҳмонлар ҳужумчиси Элдор Қосимов ҳам икки тўп билан жавоб берди.

Чемпионатнинг яна бир дебютанти Ангреннинг «Се-мур» жамоаси мамлакат ми-зининг бир неча бор чем-



пиони «Нефтич» жамоасини қабул қилиб муҳим галаба-ни қўлга киритди. Улар ра-қиבלар дарвозасига икки тўп киритиб, ўз дарвозаларидан бир тўп ўтказиб юбордилар. Уйин 2:1 ҳисобида майдон эгалари галабаси билан аяқланди. Шунини таъкидлаш лозимки, яқиндагина Ўзбекистон кубогига чорак финал учрашувида бу жамоа-ларнинг ўйини худди шундай ҳисобда «Семур» гала-баси билан аяқланган эди. Кўзонда «Темирйўлчи» - «Динамо» (Самарканд) жа-моасини қабул қилди. Уч-рашувда дарвозалар даҳл-сизлиги сақланиб қолди. Жиззахда «Сўғдиёна» «Сурхон»ни қабул қилиб 3:1 ҳисобида ишончли галаба-ни қўлга киритди. Бу йилги чемпионатда илгариги «Ян-гиер» ўрнида қатнашаётган «Гулистон» жамоаси ўз май-донидида «Насаф»ни қабул қилиб йирик ҳисобда мағ-

лубиятга учради. «Насаф» футболчилари майдон эга-лари дарвозасига 5 та жа-вобсиз тўп киритдилар. Биринчи тур учрашулари-да дарвозаларга 28 та тўп киритилди. Азамат Абду-раимов («Пахтакор»), Шерзод Назаров («Навбахор»), Эл-дор Қосимов («Зарафшон») лар иккидан тўп киритиш-га эришдилар. Чемпионат арасида Ўзбекистон Фут-бол федерациясининг иккин-чи ҳисобот сайлов конфе-ренцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон ички ишлар ва-зири Зокир Алматов «Зара-фшон» футбол федерация-сини Президентли қилиб, Зокир Курбанов футбол федераци-ясининг бош котиби қилиб қайтадан иккинчи мuddатга сайландилар.

IX Миллий чемпионатнинг иккинчи тур учрашувлари 21 мартдан 22 мартга қўйрили-ди. **Талъат ЮСУПОВ.**

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир **Мирғиёс ҚАЙУМОВ**
Тахрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилмиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўвлоқнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида бошилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотуvida эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт — матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00